"ТИКО", "ДАМАС", "НЕКСИЯ" УЧУН

Андижон вилоятида яқинда яна бир қўшма корхона иш бошлайди. "ЎзДОНГЯНГ Қ°" қўшма корхонаси асосан "Тико", "Дамас", "Нексия" машиналари учун бутлаш жиҳозларини тайёрлайди. Бунинг учун 4 миллион долларлик ускуналар ўрнатиб бўлинмоқда. Жорий йилда 60 минг автомашинага жиҳоз етказиб бериш мўлжалланган. Корхонада ишлаш учун ёшлардан 35 нафари Кореяда ҳунар ўрганиб қайтди.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

"ШАРҚ ВА ҒАРБ"

Филология фанлари доктори, Франция давлат ордени — "Академия Пальма"си совриндори Фозила Сулаймоновнинг "Шарқ ва Ғарб" китоби "Ўзбекистон" нашриётида нашрга тайёрланмоқда. 26 босма табоқдан иборат бу китоб эрамиздан олдинги X асрдан мелодий XIV асргача бўлган даврда Шарқ маданиятининг Оврўпа мамлакатларига тарқалиши ва таъсири ҳақида ҳикоя қилади.

Дилором БЕКМУРОДОВА.

ЙИЛФИКУН

6

ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

ГЕРМАНИЯ ФИРМАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

"Ўзэкспомарказ"да Германиянинг "Агрэво" фирмаси кимёвий ўғитларини Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида ишлатишга бағишланган семинар ўтказилди. "Агрэво"нинг Марказий Осиё ҳудуди бўйича ваколатхонаси раҳбари Й. Ребайн фирма республикамиз билан ҳамкорликда кимёвий ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона очишни режалаштираётганини маълум қилди.

(ЎзА).

ХОРАЗМДА "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" КЎЧАСИ

Урганч шаҳрида жуда кўп кўчаларнинг номи янгиланмоқда. Шаҳар ҳокимлиги шу ҳақда қарор чиқарди. Шаҳар марказидаги кўчалардан бирига "Ўзбекистон овози" газетаси" номи берилди. Бундан ташқари кўчаларга "Халқ сўзи", "Андижон", "Фарғона", "Термиз" номлари ҳам қўйилди. Янги номлар мустақиллик даврида шаҳар меъморий кўриниши билан уйғунлашиб бормоқда.

Рўзимбой ҲАСАН.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 6 май, сешанба № 53 (22.137).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

«АҚЛЛИ ДАСТЁР»

«Академускуна» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари автомобилларни пуллик қўйиш бекатларига мўлжалланган қурилма яратди. У тўхташ жойига келган ҳар бир автомобилни қайд этади, машинасини олиб чиқиб кетаётган ҳайдовчига қанча вақт тургани ва қанча ҳақ тўлаши лозимлигини «айтади».

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ушбу қурилмани тажриба тариқасида Олой бозори ёнидаги бекатга ўрнатган эди. Натижа ёмон бўлмади. Тушум аввалгидан бир неча баравар ортди.

Айни пайтда шаҳар маъмурияти янги қурилмадан яна бирини Қўйлиқ бозори ёнидаги бекатга ўрнатди. Келгусида барча бекатларни ана шундай қурилма билан жиҳозлаш мўлжалланмоқда.

Б. ОСТОНАҚУЛОВ,
ЎзА мухбири.

О. Л. СКАЛФАРО:
«ЎЗБЕКИСТОН – МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ТАЯНЧИ»

3 май куни «Дўрмон» қароргоҳида расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Италия Республикаси Президенти Оскар Луиджи Скалфарони расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Италия Президенти Оскар Л. Скалфаро махсус шоҳсупага кўтарилдилар. Икки давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Расмий кутиб олиш маросими ниҳоясига етгач, қароргоҳда Ислом Каримов билан Оскар Л. Скалфаронинг яккама-якка суҳбати бошланди. Суҳбат чоғида халқаро сиёсатда юз бераётган ўзгаришлар, муаммолар, хусусан, халқаро террорчилик, контрабанда, уюшган жиноятчилик ҳамда Европа ва Осиёда минтақавий хавфсизлик масалалари юзасидан фикрлар алмашилди. Мамлакатимиз раҳбари О. Л. Скалфаронинг Ўзбекистонга ушбу ташрифи ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтаришига қатъий ишонишини маълум қилди.



СУРАТДА: яккама-якка суҳбат пайти. А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Италия Президенти О. Л. Скалфаро Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон ҳукуматининг, айниқса, ички ва ташқи сиёсат борасидаги саъй-ҳаракатларига юқори баҳо берди. Ўзбекистон раҳбари билан қарийб икки соат давом этган мулоқотнинг жуда қизиқарли ўтганини алоҳида қайд этиб, ундан тўлиқ қониқиш ҳосил қилганини таъкидлади.

Шундан сўнг, икки давлат Президентлари иштирокида Ўзбекистон ва Италия расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Музокаралар чоғида Президент Ислом Каримов мустақиллик қўлга киритилганидан буён республикамизда амалга оширилган ишлар, айниқса, иқтисодий ислоҳотлар ва ижтимоий соҳада юз берган ўзгаришлар ҳақида сўзлади. Мамлакатимиз раҳбари Италия билан икки томонлама солиқ олмаслик, сармояларни ўзаро ҳимоялаш, илм-фан ва маданият соҳасида ўзаро тажриба алмашиш каби иқтисодий ва ижтимоий масалалар билан бирга, Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида ҳам ҳамкорлик қилиш ғоят фойдали бўлишини қайд этди.

Италия Президенти Оскар Л. Скалфаро Ўзбекистондаги сиёсий ва ижтимоий барқарорликка юқори баҳо бериб, Ўзбекистон делегациясининг таклифларини тўлиқ қўллаб-қувватлашини маълум қилди. Президент О. Л. Скалфаро Ўзбекистоннинг Афғонистонга қурол-яроғ олиб киришни тақиқлаш, Марказий Осиёни ядросиз ҳудуд, деб эълон қилиш борасидаги таклифларини ҳам тўлиқ маъқуллади.

Кенгайтирилган таркибдаги музокаралар якунида «Ўзбекистон Республикаси ва Италия Республикаси ўртасида ўзаро муносабатлар қатъиятлари тўғрисидаги қўшма декларация», Ўзбекистон Республикаси ва Италия Республикаси ўртасида иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим, икки мамлакат ўртасида маданий ва илмий ҳамда туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар имзоланди. Ҳужжатларни Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва Италия Ташқи ишлар вазирлиги котибининг ўринбосари Пьеро Фассино имзолади.

Ҳужжатларни имзолаш маросими ниҳоясига етгач, шу ернинг ўзида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда Ўзбекистон Президен-

(Давоми 2-бетда).

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ ***Журналистларнинг халқаро конференцияси делегатлари жаҳонда юз бераётган воқеаларни объектив тарзда ёритишда матбуот ходимларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича бирлашишга чақирдилар.***

* * *

☑ ***Кеча Россияга Испания қироли Хуан Карлос I ва қиролича София расмий ташриф буюрди.***

* * *

☑ ***Хитойдаги йирик махсус иқтисодий зона — Шинжонг ҳудудида раҳбар кадрлар учун даромадни мажбурий тарзда декларация қилиш тизими жорий этилди.***

* * *

☑ ***Шахмат бўйича жаҳон чемпиони Гарри Каспаров «Дип блю» супер компьютерига қарши ревanш-матчининг иккинчи партиясида имкониятни бой берди.***

* * *

☑ ***АҚШнинг Техас штатида бир ҳафта давом этган қаршиликлардан кейин техаслик сепаратчилар ҳокимият вакилларига таслим бўлдилар. Бироқ буни улар ўзларининг ғалабаси деб ҳисоблашмоқда.***

* * *

☑ ***Россиянинг Узоқ Шарқ минтақасида маошларнинг ўз вақтида берилмаётганлигига қарши шахтёрларнинг иш ташлаши тўрт кундан буён давом этмоқда.***

* * *

☑ ***Венгрия сиёсатчилари, экспертларнинг таъкидлашларича, мамлакат аҳолисининг НАТОга аъзо бўлиш масаласи бўйича муносабатда қарама-қарши позицияда турганлигини тушуниб етдилар.***

* * *

☑ ***Чеченистон ички ишлар вазири Махашев Пятигорск шаҳри вокзалини портлатилишига икки чечен аёлининг ҳеч қандай алоқаси йўқ, деган баёнотни тарқатди.***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 6 майидан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	46,87
1 Австрия шиллинги	4,93
1 Англия фунт стерлинги	97,15
10 Бельгия франки	16,81
1 Голландия гульдени	30,84
10 Греция драхмаси	2,18
1 Дания кронаси	9,11
1 БАА дирхами	16,32
1 АҚШ доллари	59,93
1 Миср фунти	17,68
1 Ирландия фунти	89,49
1 Исландия кронаси	0,84
10 Испания песети	4,11
100 Италия лираси	3,50
1 Канада доллари	43,45
1 Хитой юани	7,22
1 Қувайт динори	196,91
100 Ливан фунти	3,89
1 Малайзия ринггити	23,90
1 Германия маркаси	34,68
1 Норвегия кронаси	8,43
1 Польша злотийси	18,99
10 Португалия эскудоси	3,46
1 Сингапур доллари	41,47
1000 Туркия лираси	0,44
1 Финляндия маркаси	11,51
1 Франция франки	10,28
1 Швеция кронаси	7,65
1 Швейцария франки	40,74
1 ЭКЮ	67,63
10 Жанубий Корея вони	0,67
10 Япония иенаси	4,73
1000 Россия рубли	10,40
1 Украина гривнаси	32,55
1000 Белорусь рубли	2,25
1 Эстония кронаси	4,73
1 Латвия лати	102,62
1 Литва лити	14,98
1 Қозоғистон тенгеси	0,79
1 Қирғизистон соми	3,35

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Қўнғироқ

ОМОНАТГА ХИЁНАТ

ёки қийиғи чиққан қилвирлик

Кўпчиликнинг эсидадир. 1996 йил арафасида Президентимиз «Аҳолининг омонат жамғармаларидаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексациялаш тўғрисида» Фармон чиқариб, халқимизнинг дуосига қолди. Ахир тўй-ҳашамлар, фарзандлар камолоти, ҳатто кексаликни ўйлаб йиққан-тергани давлатга топшириб, доғда юрганлар кўп эди. Энди гап Фармоннинг ижросида, аниқроғи ижро этувчиларида эди.

Бошқа шу каби даргоҳлар қатори Наманган шаҳридаги 3571-сонли Халқ банки шаҳобчасида ҳам юмуш кўпайгандан-кўпайди. Минглаб омонатчиларнинг ҳужжатларини қайта назоратдан ўтказишга тўғри келди. Шоли курмаксиз бўлмаганидек, қинғирлик, хатоликка йўл қўймайман, деб тилхат асосида иш ташкил этган ходимлар орасида қилвирлар ҳам учради. Шундайлардан бири 3571/049-сонли шаҳобчада назоратчи бўлиб ишлайдиган Ёдгорали Аҳмедов эди. Ёдгорали иш авжи қизиган пайтда меҳнат таътилига чиқди. Лекин, кўз ўнгида турнақатор келаётган одамлар, жарақ-жарақ пуллар кўринаверди. Оромини йўқотди. Ўйлаб-ўйлаб режа тузди: пайтдан фойдаланаман, банкка пулини қўйиб, у ёқ бу ёққа кетворганлар, унутганлар номидан иш кўраман. Эгаси чиқиб қолса, бирор чораси топилар.

Ёдгорали таътилни ҳам унутиб, ишга отланди. Ишхонага келса бош назоратчи йўқ. Навбатчи-назоратчи Маликжон Аҳмаджонов эса ҳали ёш, тажрибасиз, унча-мунчанинг фарқига бормайди. Вазиятнинг қулайлигини айтмайсизми?!

«Танишларимга индексация очиш учун келдим» дегани учун Маликжон ҳамкасбига 4 дона Халқ банкида қатъий ҳисобда турадиган, қимматбаҳо қоғоз ҳисобланган омонат дафтарча бланкаларини бера қолди. Ёдгорали фуқаролар Б. Абрамов, И. Бережной, А. Ишук ва Х. Мукаррамоваларнинг ҳисоб рақамларига ўзи ўйлаб топган сохта исм-шарифларни — И. Бурҳониддинов, М. Нормирзаева, Х. Мўминова ва Б. Йўлдошевларнинг номларига жами 337 минг 165 сўм бўлган ҳисобни очди, номи бору ўзи йўқ кишиларнинг, хазиначи ва назоратчиларнинг ҳам имзоларини ўхшатиб қўйди. Омонатчи ҳисобига ўтказиш ордерларини ҳам қўли билан тўлдириб, навбатчи-назоратчига беради. Ҳамкасбидан бу каби пасткашликни кутмаган М. Аҳмаджонов ҳам ордернинг қонунийлигини текширмасдан, бошқа расмий ҳужжатларга солиштирмасдан хотиржам ҳисоботдан ўтказиб қўйди.

Маълумки 1996 йилда индексация учун ҳисобланган маблағнинг 10 фоизи омонатчига берилиши лозим эди. Ёдгорали сохта шахс Б. Йўлдошев номига очган 1914 рақамли ҳисобга ёзилган 44 минг 307 сўм индексация пулидан қалбаки чиқим ордери асосида пулни олиб, ўзлаштириб юборади. Агар текшириш ўтказилмаганда йил охиригача 29 минг 285 сўм омонат пулига хиёнат қилиб, Ёдгорали «бойиб» кетаркан. Бу рақамни кейинги тўққиз йилга бир кўпайтириб кўринг-а.

Бош назоратчи Ш. Турғунов томонидан текширилаётганда И. Бурҳониддинов номига ёзилган 116 минг 25 сўм индексация пулига 1897-сонли ҳисоб рақами ўрнига ҳали келмаган 1997-сонли ҳисоб рақами очилгани ва бу Ёдгорали Аҳмедовнинг «иши» эканлиги аниқланди. Айбдор эса ўзи тайёрлаган сохта дафтарчаларини йиртиб, йўқотди.

Яқинда Ё. Аҳмедовнинг қилмиши устидан суднинг ҳукми ўқилди. Унга тўққиз йил озодликдан маҳрумлик жазоси белгиланди.

Лоқайдлиги учун М. Аҳмаджонов ҳам жазодан қуруқ қолмади.

Оқилахон ҲУСАИНОВА,
Наманган шаҳар прокуратураси катта терговчиси,
Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Хабарингиз борми?

ТЎРТКЎЛДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН СЕЯЛКА

Тўрткўл тумани пахтакорлари бу йил 1030 гектар майдонда чигитни Андижон усулида — плёнка остига экишмоқда. Бу муҳим ишга яхши тайёргарлик кўрилиб, уюшма раҳбарлари, мутахассислар чигитни плёнка остига экиш агротехника қонун-қоидаларини пухта ўргандилар.

Экиш мавсуми арафасида эса яна бир янгилик фақат тўрткўллик деҳқонларнигина эмас, бутун республика пахтакорларининг диққатини тортди.

«Тўрткўлтехника» ҳиссадорлик уюшмаси бош директори Неъмат Ҳасанов «Ўзбекистон» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси устахонасида кўп йиллар бош муҳандис вазифасида ишлаган меҳнат фахрийси Самандар Жуманазаров билан биргаликда чигитни плёнка остига туксизлантирмай экиш мумкин бўлган сеялкани яратдилар.

СХУ-4 сеялкасига янги мосламалар ўрнатиш билан такомиллаштирилган бу сеялканинг андижонликларникидан фарқи — улар билан бир сменада 8-9 гектар майдонга чигит экиш мумкин. Чигитни туксизлантирмай экиш ҳисобига ҳам ҳар тонна чигитдан 8 минг сўм иқтисод қилинади.

Мутахассислар янги сеялкага юқори баҳо бердилар. Ҳозир «Тўрткўлтехника» ҳиссадорлик уюшмасига 50 та хўжаликдан ана шундай сеялкалар тайёрлаб беришга буюртма тушди.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

О. Л. СКАЛФАРО:
«ЎЗБЕКИСТОН – МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ТАЯНЧИ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

ти Ислом Каримов музокараларнинг самарали ўтганидан мамнуният изҳор этди ва бу музокаралар якунида муҳим ҳужжатларнинг имзоланиши йилдан-йилга кенгайиб бораётган Ўзбекистон — Италия савдо-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги алоқаларининг янада равнақ топишига хизмат қилишини айтди.

— 1996 йилда мамлакатларимиз ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 1993 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 3 баробар ошди, — деди Ислом Каримов. — Айни пайтда Ўзбекистонда ўттиздан ортиқ ўзбек-италъян қўшма корхонаси фаолият юритмоқда. Улар мамлакатимизда енгил саноат, озиқ-овқат саноати, мебель ишлаб чиқариш, табиий бойликлар қазиб олиш, нефть ва газ саноати, транспорт ва туризм соҳаларини ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқда.

Италия Президенти журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарар экан, музокаралар чоғида Италия Бош вазири Романо Продининг Ўзбекистон Республикасига ташрифи, Ўзбекистон ички ишлар вазирининг Италия Республикасига ташрифи борасида ҳам келишиб олинганини маълум қилди. Бош вазир Р. Продининг мамлакатларимизга буюражак ташрифи чоғида мамлакатларимиз ишбилармонлари фаолиятини кенгайтиришга доир бир қанча ҳужжатлар имзоланишини билдирди.

Матбуот анжуманида Осиё ва Европада хавфсизлик масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, Ислом Каримов уруш қаерда бўлмасин урушлигича қолаверишини айтиб, Италиянинг қўшниси — Албаниядаги воқеалар Ўзбекистон аҳлини, Афғонистондаги қуролли можаролар Италия жамоатчилигини бефарқ қолдирмаслигини алоҳида таъкидлади. Италия Президенти Ўзбекистон ҳукуматининг бозор иқтисодиётига ўтиш даврида фуқаролар ҳуқуқларини тўлиқ кафолатлагани ва муҳим иқтисодий ютуқларга эришаётгани, аввало, мамлакатдаги барқарорлик туфайли эканини таъкидлади ҳамда Ўзбекистон — Марказий Осиёдаги тинчлик ва барқарорлик таянчи эканини айтди.

— Биз Марказий Осиёдаги сиёсатимизни Ўзбекистондаги вазиятдан, Ислом Каримовнинг юритаётган оқилона ташқи сиёсатидан келиб чиққан ҳолда белгилаймиз. Чунки, Ўзбекистон бу минтақадаги тинчлик ва барқарорликни қўллаб-қувватлайдиган ва кафолатлайдиган давлатдир, — деди жаноб Скалфаро.

Шу куни Оскар Луиджи Скалфаро Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида пойтахтдаги Ўзбекистон Миллий боғига ташриф буюрди. Бу ерда Италия Президенти буюк бобокалонимиз, ғазал мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйди.

Италия Президенти О. Л. Скалфаро Ўзбекистон Бош вазири Ў. Султонов ҳамроҳлигида Олий Мажлисга ташриф буюрди. Олий Мажлис раиси Э. Халилов олий даражали меҳмонни Ўзбекистонда қонунчилик соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни билан таништирди. Мамлакатимизда 1997 йил — Инсон манфаатлари йили, деб эълон қилингани, бу борада юритилаётган ишлар, махсус тадбирлар ҳақида сўзлади.

Учрашувда икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Оқшом Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Президент Оскар Л. Скалфаро Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ходимлари ҳамда мамлакатимизда фаолият юритаётган италиялик ишбилармонлар билан учрашди. Италия Президенти элчихона ходимлари ва бизнесменлар фаолияти билан танишди.

ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

4 май куни Италия Президенти Оскар Луиджи Скалфаронинг Ўзбекистонга ташрифи ниҳоясига етди. Шу куни эрталаб «Дурмон» қароргоҳида Италия Президентини расмий кузатиш маросими бўлди. Президентлар Ислом Каримов ва Оскар Луиджи Скалфаро шоҳсупага кутарилдилар. Ҳар икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради. Ўзбекистон ҳамда Италия давлат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг, Оскар Луиджи Скалфаро Тошкентдаги католиклар Черковида бўлиб, у ерда ибодат қилди. Черков зиёратидан сўнг, олий мартабали меҳмон Ўзбекистон Бош вазири Уткир Султонов ҳамроҳлигида темурийлар тарихи Давлат музейига ташриф буюрди. У темурийлар даври ҳақида ҳикоя қилувчи музей экспонатларини кўздан кечирди. Музей билан танишув сўнгида Оскар Л. Скалфаро музейнинг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди. Музей маъмурияти эса олий мартабали меҳмонга соҳибқирон Амир Темур ҳақида ёзилган китобни совға қилди.

Шу билан Италия Президентининг мамлакатимизга сафари ўз ниҳоясига етди. Оскар Луиджи Скалфаро Тошкентдан жўнаб кетди. Тошкент аэропортида Италия Президентини Бош вазир Ў. Султонов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

Олий мартабали меҳмонни кузатувчилар орасида Италиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Иоланда Брунетти Гоетц хоним ҳам бор эди.

(ЎзА).

ОВУЛДА МУЛОҚОТ

ЎзХДП Навоий вилояти кенгашининг кўчма семинар кенгашидан

Вилоят партия кенгаши жойларда ташкил этилаётган илмий-амалий конференциялар, семинар-кенгашларга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Чунки, бевосита маҳаллий кенгашлар, ҳудудий ҳамда бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтаётган мулоқотлар, семинарлар самарали бўлмоқда. Иш бошида, амалий хатти-ҳаракатлар устида, аниқроғи оддий меҳнаткашлар даврасида ташкил этилган ҳар бир суҳбат, юзма-юз мулоқотгина одамлар билан яқинлаштиради. Улар билан ҳамнафас бўлиш имкониятини беради. Яқинда Нурота туманидаги «Қизилча» қўйчилик жамоа хўжалигида навбатдаги кўчма семинар ўтказилди. Вилоят марказидан 140-150 километр олисда, аниқроғи чўпончўлиқлар овулида ташкил қилинган бу йиғилишдан кўзда тутилган асосий мақсад партиямизнинг Миллий истиқлол мафкурасини кенг тарғиб қилиш, туманда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ва чорвадорлар ижтимоий ҳимоясининг аҳволи билан яқиндан танишиш эди.

Семинар кун тартиби, мазмун-моҳиятида инсонлар манфаати ҳамда ижтимоий ҳимояси бош мавзу бўлгани боис унда вилоят шаҳарлари ва туманлари кенгашларининг котиблари, йирик ҳудудий ва бошланғич партия ташкилотларининг фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Семинар иши Нуротадаги мармарни қайта ишлаш қўшма корхоналари иши, наслчилигига мослашган «Нурота» ва «Қизилча» жамоа хўжаликлари ҳудудий партия ташкилотлари амалий фаолияти билан яқиндан танишдилар.

«Қизилча» жамоа хўжалигида бўлиб ўтган якуний йиғилишда ЎзХДП Нурота туман кенгашининг биринчи котиби Б. Жумаев маҳаллий партия ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VIII сессияси ҳужжатлари ва Марказий Кенгаш XVII пленуми қарорлари бу ҳудудий партия ташкилотларининг иш тажрибалари ҳақида маъруза қилди. Йиғилишда «Қизилча» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Ҳ. Қурбонов «Нурота» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Ф. Аҳмедов сўзга чиқиб, ўзлари раҳбар бўлиб ишлаётган хўжаликларнинг иқтисодиёти, ютуқ ва муаммолари, уларда ХДП аъзоларининг иштироки хусусида тўхталдилар.

ЎзХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Д. Воҳидов семинар ишига якун ясади.

Семинар-кенгаш ниҳоясида қўзилатиш мавсумини муваффақиятли якунлаган бир қатор қўйчивонларга ЎзХДП Марказий Кенгаши, вилоят ва туман кенгашларининг фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо совғалар топширилди. Кўчма семинар ишида Нурота тумани ҳокими М. Тўйчиев иштирок этди ва сўзга чиқди.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Хатлар Хатлар Хатлар

РАИС ЎГАЙ ҚАРАШ ҚИЛДИ-Я

Аслида сизларни безовта қилиб, хат ёзмасак ҳам бўларди. Аммо бир жамоа хўжалигида яшаб, қўшни қишлоқ бўлиб турсакда, раисимиз ҳар хил қараш қилса. Шунисига тоқат қилолмадик. Гап нимада дейсизми? Бизнинг Потос қишлоғимизда ҳам артезиан қудуғидан насос орқали сув чиқарардик. Насос ишдан чиқди. Янгисини олиш бизга қиммат. Анчадан бери ариқ сувидан ичиб келамиз. Сабр-тоқат билан бўлиб қолар, деб чидаб турсак, раисимиз яшаб турган қишлоқдаги насос ҳам шу йилнинг 10 март куни куйиб қолди. Хўжалик раҳбари ўзининг қишлоғи учун қаердандир 50 минг сўм топиб, қудуқдан сув олишни йўлга қўйди. Бош ҳисобчи Бўриевга янги насос олиш учун бизга ҳам ёрдам беринг десак, у ҳозирча пул йўқ, дейди. Ўзимиз маблағ тўпласак, бир гап бўлармиш. Нима, потосликлар раисимизга ўгаймми?

Жуманазар НОРБОЕВ, Бобохон МЎМИНОВ, Сурхондарё вилояти, Денов тумани.

«НАФАҚАХЎР» ДЕЙИШ ТЎҒРИМИ?

Эл ўртасида нима удум бўлса, ўшани маъқул топаверамиз. Бундай ўйлаб қарасак, «нафақахўр» сўзи ўрнига тушмагандек. Боиси, «пенсионер» деган сўзнинг том маъносини англатмайди-ёв. Бундан ташқари «хўр» қўшимчаси кишига ҳақоратомуздек туюлади. Чунки, порахўр, судхўр, ароқхўр каби сўзлардаги «хўр» қўшимчаси ўрнида ишлатилган, деб ўйлайман. Назаримизда, болалар, оналар, узоқ йиллар ишлаб дам олишга чиққан кишига белгиланган нафақа — давлат томонидан бериладиган ижтимоий таъминот. Балки нафақахўр ёки нафақадор деб ўтирмай, нафақачи, десак қандай бўларкин? Ўшанда бу сўз ишчи, хизматчи, ўқитувчи каби атамалар қаторидан жой олармиди? Балки «пенсионер» иборасининг ўзидан фойдаланса ҳам чакки бўлмас. Чунки, пенсиялар ҳақидаги қонунда ҳам «пенсионер» ибораси ўз ифодасини топган.

Ҳусан ТЎЙЧИЕВ, Мирзо Улуғбек тумани.

ШАРҚОНА УДУМИМИЗНИ ТАРК ЭТМАЙЛИК

Субҳидамда ҳовли-кўчаларга сув сепиб, супуриш шарқона удумлардан. Ўз уйимиз, ҳовли-жойимизни озода тутишга одатланганмиз. Бу яхши. Шундай саранжом-саришталикка ўрганган халқимиз нега энди шаҳар кўчаларида юрганда бефарқликка боришади. Қаёққа қараманг, ғижимланган сигарета қолдиқлари, гугурт қутилари, ҳатто конфет ва сақич қоғозларини кўриб кайфиятингиз бузилади. Бу ниманинг аломати? Меники эмас, менга нима, деб қарашми? Бундай пайтда Олмонияда қариндошиникида меҳмон бўлган бир танишимнинг ҳикояси ёдга келади. Ўша танишим тарки одат, амри маҳол деганларидек, Олмония кўчаларида сайр қила туриб сигарета қолдиғини йўлкага улоқтирган. Буни кўрган қариндоши: «Бизда бу мумкин эмас, махсус қутичалар турибди-ку, ўша ерга ташлаш лозим», дебди. Танишим эса хижолатпазликдан қутилиш учун: «Ҳеч ким кўргани йўқ-ку?» дебди.

— Гап бунда эмас, биров кўрса-кўрмаса шаҳар тартибига риоя қилишимиз керак, дебди қариндоши. Танишим ҳам сизларда ажойиб одат, қолаверса, маданият русум экан деб, эътироф этибди. Умуман, Олмония кўчалари ва хиёбонларида ортиқча нарса кўзга ташланмайди. Ахлатлар у ёқда турсин, синган газ қувури, узилиб ётган электр симлари ҳам бўлмас экан.

Қиссадан ҳисса шуки, ўз уйида покизаликка ўрганган эканмиз, нега энди бу кўча, хиёбон фавворалар атрофи, истироҳат ва дам олиш масканларига меники деб қарамаймиз? Ҳар қалай шаҳрим-фахрим деб, унинг ҳар бир гўшаси меники, десак сира кам бўлмаймиз.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА. Тошкент шаҳри.

БИТТА СВЕТОФОРНИ ТУЗАТИШ ҚИЙИНМИ?

Ҳурматли таҳририят! Юқори Чирчиқ тумани марказидаги 10-уйда 48 оила яшайди. Очиғини айтганда кўнглимиз доимо ғаш. Нега десангиз, уйнинг чор-атрофи ўнқир-чўнқир, ариқ балчиққа тўла. Болалар тугул катталар ҳам юрак ҳовучлаб юрадилар. Уй ёнидан катта йўл ҳам ўтган. Светофор эса ишламайди. Милицияга мурожаат қилсак, ҳозир светофорга пул йўқ деб жавоб беришади. Ҳолбуки, чорраҳада кечаю кундуз машиналар хоҳлаган тезликда ғизиллаб ўтаверади. Шу боис, болаларимиздан жуда қўрқамиз. Наҳотки, битта светофорни тузатиб қўйишнинг иложи бўлмаса?

Зирагул АИНАШЕВА, Юқори Чирчиқ тумани, Янгибозор қишлоғи.

«Хатлар, хатлар, хатлар» рукни материалларини Ҳайдар НОСИРОВ саралади.

КЕЛИНГ, ЎРГАНИНГ, ЎЙНАНГ!

Бугун Тошкентдаги «Динамо» ўйингоҳида анъанавий республика теннис мусобақаси бошланади

СИҲАТНИ ИСТАГАН

Шавкат КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, республика теннис федерацияси президенти

Юртимизда спортнинг теннис турига катта аҳамият берилаётгани бежиз эмас. Чунки, теннисни ривожлантириш, оммавийлигини таъминлаш, моҳир спортчилар сафини кенгайтириш давлат аҳамиятига молик ишлардандир. Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида кичик тўп ошуфталарига шарт-шароитлар яратилаётгани, шаҳарларимизда халқаро андозаларга мос теннис ўйингоҳларини барпо этилаётгани ҳам шундан. Назаримда, мустақилликнинг дастлабки йилларида амалга оширилган бундай хайрли ишлар тарихимизнинг ёрқин саҳифаларига айланади.

«Буюк ипак йўли» — Сателлит, аёллар ўртасида ўтказилувчи «Дэвис» ҳамда «Президент кубоги» учун ўтказилаётган халқаро мусобақалар довруғи жаҳондаги кўплаб мухлислару мутахассислар назарига тушди. Умуман, теннис ривожланган мамлакатларда маданият тимсоли саналади. Қайси юртда теннис яхши йўлга қўйилган бўлса, у тинчлик, осойишталик, халқаро ривожланиш, жамият соғлиғи, келажакка ишонч ва орзу-умидлардан нишонадир. Муҳими, тенниснинг соғлом турмушни шакллантиришда аҳамияти катта.


Қизиғи шундаки, теннис билан шуғулланиш учун ёшнинг фарқи йўқ. Битта аммоси бор, у ҳам бўлса қандай ҳунар, қандай мансаб ва ким бўлиб ишлашимиздан қатъи назар, кичик тўпни қўлга олиб, майдонга тушсак, ёшликдаги каби табиат эпкинини ҳис этиб, ўзига хос ҳаракатлар ҳадисини олаверсак, ўйлайманки, теннис ҳар биримиз учун заруратга айланади. Чунки, майдонда ҳаракат қилишнинг ўзи бўлмайди. Яна бир гап. Теннис ўйингоҳлари яхши шароитларга эга бўлиб, тинч-осойишталиги, саранжом-саришталиги, қолаверса, файзу таровати билан кишини ўзига тортади. Айтмоқчиманки, бундай гўшаларга ўрганиб қоламиз. Кундан-кунга ўзимизни енгил ҳис этаётганимизни, кайфиятимиз чоғлигини англаб борамиз.

Ўзим ҳам 4-5 йилдан бери теннис билан шуғулланаман. Ёшим 54 да. Албатта йиллар, ҳар хил хизматлар, ҳаёт ташвишларию қувончлари ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Хонада кўп ўтириш, кам ҳаракатлик асабу юрак урушига салбий таъсир қилади. Теннис машғулотларига қатнай бошлаганимдан бери бундай ноҳушликлар барҳам топди. Бу масаланинг бир томони. Муҳими, биз ҳуқуқий демократик давлатни қуриш йўлида саъй-ҳаракат қиляпмиз. Соғлом авлодни тарбиялаб, келажак кишиларининг ташқи кўринишию маънавияти ҳақида ҳозирданоқ қайғуришимиз лозим.

Биз ёшларни тарбиялашда, кадрларга эътибор қилганимизда уларнинг жисмоний ва руҳий баркамол эканликларига аҳамият беришимиз зарур. Шундай қилайликки, раҳбар ходимларимиз хушбичим, бўй-басти спортчиларга хос бўлсин. Айтмоқчиманки, юртимиз равнақи йўлида қилинадиган ишларимиз кўп. Биз бундай хайрли ишларга камарбаста бўлиш учун ҳар жиҳатдан ҳозир бўлмоғимиз зарур. Ана шундай ниятларни рўёбга чиқаришда эса теннис бизга катта ёрдам беради.

Мамлакатда ажойиб теннисчилар камол топмоқда. Куни кеча Исроилда ўтказилган халқаро мусобақада қобилиятли теннисчимиз Ирода Тўлаганованинг иккинчи ўринни эгаллаши бугунги байрамга совға бўлди. Камола Дадахўжаева, Темур Ғаниев, Олег Огородов, Улуғбек Мусаев, Темур Хонхўжаев каби ажойиб теннисчиларимиз халқаро майдонларда юртимиз шаънини шарафламоқдалар.

Кўпчилик «Ҳавас» мусобақасининг нима учун ўтказилаётгани сабабини англаёлмаяпти чоғи. Мусобақанинг номидан кўриниб турибдики, ҳамманинг теннисга ҳавас қўйиши тарафдоримиз. Ҳавас қўйишда эса биринчи галда раҳбар ходимларнинг ибрат бўлишларини истадик. Ўйлаган режамиз чакки бўлмаяпти. Мусобақага қизиқувчилар кўпаймоқда. Вилоятлар марказларида республика мусобақасига бориш учун саралаш баҳсларини ўтказилгани ҳам шундан нишона. Бу йилдан бошлаб мусобақа ҳомийлари сафимизга қўшилишди. Демак, моддий ва маънавий имкониятларимиз янада кенгаяди. Бундан теннисга ошно бўлганлар баҳраманд бўладилар. Ўйлаймизки, анъанавий «Ҳавас» теннис мусобақаси бу сафар ҳам қизғин ва муросасиз баҳсларга бой бўлади, мухлисларга байрамона кайфият бағишлайди.



МАЙДОНГА ТУШАР

САЙХУН БЎЙИДА ЎЙНАБ

Сирдарё томонларда ҳам теннисга қизиқиш катта. Вилоят раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари ўртасида республика мусобақасига бориш учун саралаш учрашувлари ўтказилди. Гуруҳларга бўлинган теннисчилар баҳси якунига кўра Сирдарё тумани ҳокими вазифасини бажарувчи С. Усмонов, вилоят ҳокимининг ўринбосари С. Жабборов, Гулистон шаҳар ҳокими К. Акбаровларнинг қўллари баланд келиб, Тошкентга йўлланма олдилар. Бугун улар вилоят ҳокими Ў. Исмоилов етакчилигида республика мусобақаларида иштирок этадилар.

Хайрулла АБДУЛЛАЕВ.

ЖУРНАЛИСТЛАР ҲИММАТИ

«Ҳавас» теннис турнири иштирокчиларига оммавий ахборот воситалари томонидан таъсис этилган совринлар:

1. «Иродали ўйинчига» — Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлиги.
2. «Маҳоратли ўйинчига» — «Спорт» газетаси.
3. «Узоқдан келган ўйинчига» — Ўзбекистон радиоси.
4. «Оқсоқол ўйинчига» — «Ўзбекистон овози».
5. «Энг ёш ўйинчига» — «Правда Востока».
6. «Алпқомат ўйинчига» — ЎзТВ.
7. «Жиддий ўйинчига» — «Тошкент ҳақиқати».
8. «Чаққон ўйинчига» — «Тошкент оқшоми».
9. «Адолатли ўйинчига» — «Адолат» газетаси.
10. «Камтар ўйинчига» — «Ишонч» газетаси.
11. «Томошабин меҳрини қозонган ўйинчига» — «Халқ сўзи».
12. «Хушчақчақ ўйинчига» — «Савдогар» газетаси.
13. «Санъатга ихлосманд ўйинчига» — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси.
14. «Одобли ўйинчига» — «Маърифат» газетаси.
15. «Охирида биринчи бўлган ўйинчига» — «Ўзбекистон футболи».
16. «Кутилмаган ғалабаси учун» — «Народное слово».
17. «Энг узун ўйинчига» — «Осиё бозори».
18. «Довюрак ўйинчига» — «Ватанпарвар».
19. «Энг серфарзанд ўйинчига» — «Оила ва жамият».
20. «Фидоий ўйинчига» — «Қишлоқ ҳаёти».

ХОЛИС РАҚОБАТ ЯХШИ-ДА!

Ҳамид РАВШАНОВ, Когон тумани ҳокими:

— Табибларнинг таъбирича, теннису сузиш билан мунтазам шуғулланган одамнинг танази дард билмас экан. «Ҳавас» теннис турнири муҳим тадбирлардан бири. Бу мусобақанинг ёшу қарига маъқул келаётгани ҳам шундан. Вилоят ва туман марказларида теннис майдончалари бунёд этилиши нур устига нур бўлмоқда.

Мана икки йилдирки вилоятимизда «Ҳавас»нинг йўлдоши — «Умид» мусобақалари ўтказилмоқда. Бу йилгиси ҳам мароқли бўлди. Туманимиздан мен билан бирга Когон шаҳар ҳокими Ж. Ҳакимов ғолиб деб топилди. Бугун Тошкентда бошланадиган республика мусобақасида ўзаро холис рақобатлашиб, қўлимиздан келганича курашни давом эттиришга ҳаракат қиламиз.

20 дан зиёд Япония компаниялари номаълум шахсдан тегишли банкка пул ўтказиш талаби ёзилган хатни олишди. Хатда ёзилишича, агар компаниялар кўрсатилган суммани мазкур шахснинг ҳисобига ўтказишмаса, у ушбу компанияларни бадном этувчи ахборотларни «Интернет» тармоғига жойлаштирар экан.

«Франс-пресс» хабарига кўра, юқорида тилга олинган компаниялар асосан Токио ва Осака шаҳри ҳудудларида жойлашган. Улар шуғулланаётган бизнес соҳаси ва маҳсулот ҳажми жиҳатидан умуман бир-бирига ўхшамайди. Товламачи 12 майдан кечиктирмасдан пулни ўтказишни талаб қилмоқда. У шунингдек, компаниялар фаолиятини хусусий детектив агентлиги ёрдамида текшириб чиққан ва мазкур компанияларнинг айрим ҳолларда солиқ тўлашдан бош тортганлиги ҳамда юқори раҳбар ходимларга пора берганлиги ҳақида далолат берувчи

ХОРИЖ

ахборотларни топган.

***

«Ассошиэйтед пресс» агентлигининг хабарига кўра, Хитой ҳукумати ўз автомобиль саноатида туб ислоҳотлар ўтказишни режалаштирмоқда.

МАТБУОТИ

Бунинг учун автомобиль ишлаб чиқарувчилар сони 120 тадан 3 тага туширилади. Қайта ташкил этиш натижасида фойдали тармоқни вужудга келтириш кўзда тутилмоқда. Мазкур ислоҳотни

ЁЗАДИ

2010 йилга бориб тугаллаш режалаштирилган. Агентликнинг таъкидлашича, кўпчилик Хитой автозаводлари ҳозирги пайтда йилига қарийб 10 мингтага яқин автомашина ишлаб чиқариш имкониятига ҳам эга эмас. Хитойда бугунга келиб аҳолининг кўпчилик қисми даромади камлиги туфайли шахсий автомашиналарга эҳтиёж кам. Бироқ мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, 2010 йилга бориб хитойликларнинг кўпчилиги шахсий автомобиль сотиб олиш имкониятига эга бўлади.

***

Кубада чиқадиган «Хувентуд Ребелде» ҳафтаномасининг ёзишича, Куба ҳукумати Гавана шаҳридан 1600 нафар кубаликни мамлакат қишлоқ туманларига чиқариб юборди. Гап шундаки, кейинги пайтда мамлакат пойтахти аҳолининг кўплигидан сув, электр энергияси ва транспортда муаммоларга дуч келмоқда. Бундан ташқари, пойтахтда уй-жой муаммоси жиддий масалага айланган. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Гаванадаги уйларнинг фақат ярми қониқарли ҳолатда. Шу боис эндиликда пойтахтга келмоқчи бўлган кубаликлар маҳаллий ҳокимиятдан, шунингдек, ўзи истиқомат қилмоқчи бўлган уй эгасидан рухсатнома олиши керак.



Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

ЎРГИМЧАК ТЎРИ

Жаҳон матбуоти хабарларига кўра, Россия ва Белорусь иттифоқи масаласи кейинги пайтда кўпроқ Россия сиёсатдонларининг асосий ва фаол мунозара мавзусига айланган. Буни тушуниш мумкин. Чунки, бирлашишдан ким кўпроқ наф кўришию, қайси мақсадларда бу «гоя» ўртага ташлангани сир эмас. Дарҳақиқат, бу авваламбор Россия стратегик манфаатлари ифодаси бўлиб, Ғарбий Европа билан боғлайдиган жўғрофий минтақа сифатида Белорусь унинг учун геополитик вазият жиҳатидан муҳим аҳамиятга эгадир. Айни НАТО Шарққа томон кенгайиш арафасида турган бир пайтда Россия ҳам бирлашув эвазига чегараларини Польша ҳудудигача келтириб олиш ниятида. Асосий мақсад эса тайин — «иттифоқ»қа бирлашиш ниқобида эски ҳудудларни яна «халқлар хоҳиш-иродаси»га асосланиб қўшиб олиш, бир бутун «империя»да «катта оға»ликни давом эттириш.

Билсангиз, уммон орти минтақасида шундай ўргимчак тури бор экан: у қум устига билинтирмасдан тўр ясаб, ўзи шу тўр чеккасида «меҳмон»ни қутиб ётар, «ўлжа» тўрга тушиши биланоқ ўргимчак «иши»ни бошлар экан. Назаримда, «иттифоқ» ғоясини ҳам шундай ўргимчак тўрига қиёсласа бўлади. Ўзи кейинги пайтда Россия сиёсатдонлари оғзидан «иттифоқ», «ҳамдўстлик», «интеграция», «конфедерация», «федерация» деган баландпарвоз сўзлар тушмай қолди. Яқинда ҳар икки давлат матбуотида эълон қилинган Россия ва Белорусь Иттифоқи устави лойиҳасида шу сўзлар бот-бот учрайди.

Дарвоқе, Устав лойиҳаси эълон қилингач, турли хил фикрлар билдирилмоқда. Эски иттифоқни қумсаётган коммунистлар, либерал-демократлар, ҳокимиятнинг айрим вакиллари бу иттифоқ устави лойиҳасини сўзсиз қўллаб-қувватламоқдалар. «Пастдан» бошланган ҳаракат», «Икки мамлакат стратегик ҳамкорлиги учун иқтисодий жиҳатдан фойдали» дея Россия ҳамкорлик вазири ўз фикрини билдирса, Россия Давлат Думаси депутати, сиёсатшунослик фанлари доктори Владимир Лисенко эса «Тарих бизга яна имкон бермоқда» деб жар соляпти. Лисенко иттифоқ устави лойиҳаси ҳақида гапирар экан, «конфедерация ҳамдўстлик сингари тегишли шартномалар асосида ташкил этилади. Россия ва Белорусь шартномаси бунга мисол бўла олади», дейди.

Тарихдан маълумки, конфедерациялар илгари ҳам бўлган. Масалан, Австрия — Венгрия 1918 йилгача, Швеция ва Норвегия 1905 йилгача, Швейцария 1815 йилдан 1848 йилгача конфедерация шаклида бўлган. Сенегал ва Гамбия 1982 йил Сенегабияга бирлашган эди, лекин оз муддат ўтгач яна бўлиниб кетишди. 1958 йили тузилган Миср ва Сурия конфедерацияси ҳам 1961 йилга келиб шу аҳволга тушди. Демак, тарих тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бирлашувнинг бу шакли вақтинчалик ўтиш даврида юзага келиб, кейинчалик иттифоқнинг парчаланишига ёки федератив шаклдаги давлат тузилмасига айланади.

Агарда Россия ва Белорусь конфедерация йўлидан боришса, юқорида айтганимиздек, давлатлараро қандай тузилмага эга бўладилар? Ёки яна бўлиниш керак ёки бўлмасам федератив давлатга айланиш эҳтимоли бор. Фикримизча, иккинчиси аниқроқ. Чунки, Устав лойиҳасида ҳам «Иттифоқ ривожининг истиқболи икки давлатнинг босқичма-босқич кўнгилли равишда бирлашувига қаратилган» дейилган. Шундай қилиб, гап бу ерда келажакда бирлашган федератив давлат тузиш ҳақида бормоқда.

Айнан шу иттифоқ концепцияси ҳақида фикр билдирган «Россия демократик сайлов» партияси раҳбари Егор Гайдар устав лойиҳаси ҳақида «Россия манфаатларига зиддир», чунки у иқтисодий муаммоларни ҳал қилмасдан, фақат сиёсий беқарорликка олиб келади, деган фикрни айтди. Жаноб Гайдар сўзида давом этиб айтадиларки, бирлашув агарда Белорусь Россия Федерацияси таркибига киришни хоҳласагина амалга ошиши мумкин. Яна денг қандай тарзда?! Олтита автономияга бўлинган ҳолда кирса тузукроқ экан.

Бошқа бир сиёсатчи — Москва шаҳри мэри Юрий Лужков икки давлат бирлашуви йўлида ҳеч қандай тўсиқ йўқлигини, «икки республика оддий фуқаролари ўз халқлари учун бошқа йўлни кўрмаётганлигини» айтди. Шунинг учун, — дейди у, — референдум ўтказиш ҳам шарт эмас.

Лекин халқ тақдирини ҳамда ўз мамлакати давлат мустақиллигини ўйлаган кишилар бошқача фикрдалар. Жумладан, Белорусь бирлашган фуқаролар партияси раҳбари Станислав Богданкевич Россия ва Белорусь иттифоқини номақбуллиги ҳақида гапириб, уни айиқ ва қуён дўстлигига қиёс қилади. Қандай қилиб, «қуён айиқ билан дўстлашиши» мумкин деган фикрни ўртага ташлайди. Белорусь парламентининг собиқ раиси Станислав Шушкевич эса икки давлат иттифоқи устави лойиҳаси тўғрисида гапириб, «менимча, лойиҳанинг иқтисодиёт қисми бемаъни» дейди, у шунингдек, бўлажак бирлашув икки томон ўртасида турли бюрократик тўсиқларга олиб келишини таъкидлайди.

Хуллас, Россия ва Белорусь иттифоқи ҳамда унинг устав лойиҳаси бугунга келиб икки давлат фуқаролари муҳокамасига, яъни «халқлар хоҳиш-иродаси»ни билишга қўйилган. Эски, амалда синаб кўрилган, бир ёқлама тарғибот натижаси эса илгаритдан маълум — Лужков жаноблари айтганидек, бирлашишдан «бошқа йўлни кўрмаслик»ка олиб келади. Шубҳасиз, иттифоқ ғояси бу, юқорида таъкидлаганимиздай, ўргимчак тўридан бошқа нарса эмас. Билиб-билмасдан, бошқа йўлни кўрмасдан бу тўрга тушиб қолиш эса ўз давлати мустақиллигини инқирозга учратишдир. Ўз юрти мустақиллигини кўзига тўтиё қилган халқ эса ҳеч қачон бундай йўлдан бормайди.

Аслиддин БОЛИЕВ.

Ўзбекистон ва жаҳон

АЛЬБИОН

биримиз биттадан инглиз оиласининг шахсий меҳмони тариқасида уларнинг хонадонларида истиқомат қила бошладик ҳамда инглиз тилини мукаммал ўргандик.

Тушгача дарс билан,

ҚУЁШИНИНГ

тушдан сўнг сайру-саёҳат билан машғул бўлдик. Лондондаги машҳур «Лидз кести» қасрига бордик. Дунёга донг таратган мум ҳайкаллар кошонаси «Тюссо

ТАФТИ

хоним» музейида бўлдик.

... Тошкентга қайтиб келгач, лицейда ўқитувчиларимизнинг баъзиларидан ўз таассуротлари ҳақида иншо ёзиб беришни илтимос қилдик.

«Мен-деб ёзибди 11«а» синфининг ўқувчиси М. Тошматова, — Буюк Британияда ўзимни худди ўз уйимдагидек ҳис қилдим. Англия яхши мамлакат экан. Лекин нима бўлганда ҳам ҳар кимнинг ўз юрти, киндик қони тўкилган тупроқнинг қадр-қиммати бошқача бўлади...»

«Мен умримда денгизни биринчи марта кўрдим, — деб ёзибди 9«а» синф ўқувчиси К. Арслонова, — унинг шабадада мавжланишини кўриб, ногоҳ шеър ёзгим келиб кетди. Англияликлар билан мунтазам хат ёзишиб туриш ҳақида келишиб олдик».

Хуллас, худди шундай ўзаро ташрифларни кўпайтирсак, ҳаммамиз учун фақат фойда бўлар эди, деган фикрдаман.

Гўзал АҲМЕДОВА,
Тошкент шаҳар А. Навоий номидаги Нафис санъат лицейи илмий бўлимининг мудири.

Англияни одатда «Туманли Альбион» деб атайдилар. Лекин биз бу меҳмондўст ўлкада икки ҳафта бўлар эканмиз, уни «туманли» эмас, балки «қуёшли» деб аташга қарор қилдик. Зотан, бу ерда учратганимиз самимият, одамийлик мана шуни тақозо қиларди.

Биз, Алишер Навоий номидаги Нафис санъат лицейининг бир гуруҳ ўқитувчи ва ўқувчилари инглиз тилини мукаммал ўрганиб келиш учун англиялик ҳамкасабаларимиздан ташриф қоғози олдик.

Баҳорнинг қуёш чарақлаб чиқиб турган тонгларидан бирида самолётимиз Лондоннинг «Хитроу» аэропортига келиб қўнди. Бизни таклиф этган дўстларимиз очиқ чеҳра билан кутиб олдилар. Улар бизни денгиз ёқасида жойлашган сўлим Кэнт шаҳрига олиб боришди.

Биз, ўқитувчи ва талабаларни инглиз оилалари ўз бағрига олдилар. Ҳар

Ие, йўғ-е, наҳотки?!

ЎЙЛАМАЙ ТАШЛАНГАН ҚАДАМ

Германиянинг Франкфурт шаҳри маъмурияти тарихида юз берган бу воқеани ажойиб ҳам деб бўлмайди, ғаройиб ҳам. Негаки, у одам ғазабини қўзғатади холос.

Бундан 20 йил муқаддам франкфуртлик бир аёл ўз эрини сўйиб ташлаган эди. Бугун эса у «Оила боқувчисини йўқотганман, менга нафақа белгилашингизни талаб қиламан», деб шаҳар маъмуриятига мурожаат этмоқда.

«Ўз боқувчингизни ўзингиз йўқотгансиз-ку!» деган саволга «Мен қотиллик юз берган куни руҳий таъсир остида эдим, нима қилаётганимни билмаганман, бунинг устига қотиллик учун жазо муддатини ҳам ўтаб чиққанман» дея ўзини оқламоқда ва ўз аризаси ижобий ҳал бўлишига умид билдирмоқда.

«МАШҲУР» ҚОИДАБУЗАР

Америкалик Вирлинд Рэдмон ҳозир 67 ёшда. У шу ёшда жаҳон рекордини ўрнатди. Нима қилиб, денг — фақат қоида бузиб.

Ҳуқуқ назорати органларининг ҳисоб-китоб қилишларича, Вирлинд маст ҳолда транспорт бошқаргани учун шу ёшгача 390 марта қамалган. Шунингдек, 100 марта жарима тўлаган, 33 марта ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум этилган. Шундан 5 таси умр бўйи рулга ўтиришни таъқиқловчи жазо эди.

Хабарлар оқимидан

☑ Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев расмий ташриф билан Туркияга боради.

***

☑ Пекинда КХДРга озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш масаласи бўйича жануб ва шимол томонларнинг Қизил Хоч жамияти вакиллари ўртасидаги музокаралари биринчи қисми натижасиз тугади.

***

☑ Шимолий Словения парламенти апрель ойида урушдан кейин ўтказилган биринчи сайловлар натижасини бекор қилишни талаб этмоқда.

***

☑ Франциянинг Лион шаҳрида терроризм оқибатида уч нафар лўли ҳалок бўлди.

***

☑ Алмати шаҳрида наркобизнес билан шуғулланувчи иккита жиноий гуруҳ қўлга олинди.

***

☑ Мобуту ва Кабила ўртасидаги музокаралар Зоир Президентининг истеъфога чиқиши ва урушни тўхтатиш ҳақидаги келишув билан якунланди.

***

☑ Албания пойтахти Тирана шаҳрига Европа Иттифоқи делегацияси вакиллари келишди.

Турфа олам...

ЁЛҒИЗ БОЛА БЎП ҚОЛСИН

Кўпинча дунёдаги энг биринчи рекордчи ёки ғайриоддий воқеаларни қизиқсиниб кузатамиз. Ҳар қандай рекордниям кимдир «янгилаши» мумкин. Лекин шундай ҳодисалар борки, асло кимдир қайтаришини истамайди киши.

Очиғи, канадалик Денни Осбор ҳақида ўқиганимдан сўнг бу ҳақда кўпроқ ўйлайдиган бўп қолдим. Негаки «Денни» тана — одам. Балки уям дунёдаги энг биринчи шундай одамдир? Лекин даҳшатли. Юрак увушадиган рекорд. Исталмаган ҳомиладан қутула олмаган аёлнинг боласи! Биринчилиги ҳақиқатдир, чунки бунақасини ҳали ер юзининг бирор жойида қайд этишмаган-ку. Балки у онадан қўл-оёқсиз мажруҳ бўлиб туғилса, бунчалар кишида даҳшатли хотира қолдирмасмиди? Лекин «бурдаланган» тирик жоннинг бир бўлаги омон қолиши...Ваҳшийликдек гап.

Денни Осбор асли Гонгконгда туғилган. Чақалоқнинг қуруқ таналигини кўрган ота-онаси ундан шу заҳотиёқ воз кечишди. Лекин канадалик бадавлат хонадон эгалари уни асраб олишди. Ҳайрон бўлишингиз мумкин, нега энди айнан шундай болани асрашди деб. Шу пайтгача улар 18 нафар шундай ногирон болаларни тарбиялаб келишарди.

Уни фавқулодда қобилиятли ҳам дейишмоқда. Ақлан соғлом, тенгдошлари қатори мактабда ўқийди.

— Олдинига одамовироқ эди, — дейди унинг шахсий шифокори Брайан Жаведони. — Лекин Денни ғайри-оддий жисмоний кучга эга. Бу фавқулодда ҳодисадир. Ўзига ишонади.

Шифокорнинг айтишича, узоқ йиллик ортопедик фаолиятида бунақа мижозни биринчи кўриши эмиш. Бола жисмонан тез ўсяпти. Шунданми, Жаведони унинг қўл-оёқларини йилига 3-4 марталаб алмаштиришига тўғри келяпти. Мутахассислар ҳозир Деннини мунтазам кузатиб боришяпти. Олимлар «қуруқ тана»даги фавқулодда қобилиятни тадқиқ этишмоқда.

Бир қарашда бу тадқиқотнинг ўзи ғалатироқ туюлади. Тадқиқот ўз йўлига. Негадир Деннининг дунёдаги ягона шундай одам бўлиб қолишини истардим. Бир мен эмас, кўпчилик ҳам шу фикрда бўлса керак. Бошқа бундай тирик-тажриба одам дунёга келмасин. Чунки Денни гарчи ақлан тўрт мучаси соғ болалардан ҳечам фарқ қилмаса-да, кўнглининг тубида армон яшайди-ку?!



Италия манзаралари.

...турфа одам

МУСИҚА АСБОБ ТАНЛАМАЙДИМИ?

Германия. Бонндаги беш нафар кампирлардан иборат ғалати созандалар ҳақида бугунда бутун Европа билади. Ҳатто улар 1993 йили Европадаги энг яхши созандалар кўригининг совриндориям бўлишувди.

Ғалатилиги шундаки, немис кампирларининг чолғу созлари — ошхона анжомлари. Созандаларнинг созларини эшитиб, қизиқ фикр туғилади.

Мусиқа учун махсус соз шартмикин? Балки шартдир. Лекин чойнак, човгум, чўмич, қошиқ, қозон билан яратилган куйларни тинглаётган европаликлар ҳам шундай хаёлга боришаётгандир. Қариялар шундай ажойиб даста тузишган. Дастлаб бу қариялар ансамбли Австриянинг чекка қишлоғи Граштда тузилганди. Квинтет Алт Киндер ансамблининг дастлабки диски «Ер юраги» тезда машҳур бўлиб кетди.

— Мусиқаларни оҳангрибо тасмасига ёзиш анча қийин, — дейди Бонн университетининг ўқитувчиси, бастакор Генрих Вертз. — Қариялар Моцарт ва Бахни, яъни классик куйларни замонавий рок, реп, жаз жанрида чалишади. Қоришиқ бу куйлар шунақа антиқаки... Бунақаси бўлган эмас.

Ажойиб созандаларнинг концертига мумтоз куй шинавандалари ҳам, поп, рокчилар, ҳатто мусиқага унчалик шинаванда бўлмаганлар ҳам бирдек кираверишади. Антиқалигиям шунда-да!

Алт Киндер дастурининг бадиий раҳбари 82 ёшли Гретхен Фуш репортёрларни кўпам хушлайвермаса-да, катта концертлардан сўнг уларни қабул қилади.

— Биз олис қишлоқдан чиққанмиз, — дейди Гретхен Фуш хоним. — Умримизда на радио, на магнитафон эшитганмиз. Буларнинг барини Венага келгач кўрдим. Мусиқа асбобларим йўқ ҳисоби эди қишлоғимизда. Лекин санъатга бизда илоҳий бир интилиш бор эди. Асли мусиқа одам қалбидаги кўз очмаган булоқдир. Шу булоқ кўз очдида. Биз қариялар қўлга илинган анжомни олиб мусиқа чалиб, куй яратардик.

Ҳа, Фуш хоним ҳақ! Бунақа дастур ҳар қадамдаям учрайвермайди. Созандаларнинг менеджери Вуля Йоргенс эса Америка бўйлаб сафарга махсус дастур тайёрлаш билан овора. «Ошхона дастури»нинг мухлислари нафақат Европа, Америкада, курраи заминнинг ҳар гўшасида топилса керак.

Тўғри, ҳамма жойда ошхона бор. Демак, тингловчисиям бор-да.

Саида ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.

«ГИННЕС» БАЛАНДМИ, ЭВЕРЕСТ ЧЎҚҚИСИМИ?

«ГИННЕС»нинг рекордлар китоби» эндиликда... «Гиннеснинг рекордлар китоби»га номи тиркаладиган бўлди. Негаки, ўтган йили унинг адади 100 миллион нусхадан ошиб кетди. Агар ушбу китобнинг бутун дунёда чоп этилган нашрларини устма-уст териб чиқадиган бўлсак, унинг баландлиги Эверест чўққисидан ҳам ўтиб кетаркан.

Хабарингиз бўлса агар, ўтган йили ушбу нашрнинг аниқроғи, нашрни тайёрлаш ғояси туғилганлигининг 45 йиллиги нишонланди. «Гиннес»нинг жамоатчилик алоқалари бўйича нашриёт бошқармаси бошлиғи Валесса Лаонинг сўзларига қараганда, рекордлар китобини тузиш ғояси биринчи бўлиб ашаддий овчи Хью Бивердан чиққан. 1951 йил куз тунларининг бирида Ирландиянинг жанубий-шарқий қисмида жойлашган Уэксфорд графлигида олтинбошли Шотландия ўрдакларини овлаётиб, худди шу ғоя унинг хаёлига келганди.

1954 йилнинг сентябрида эса Хью Бивер тайёрлаган ушбу рекордлар китоби шотландиялик тадбиркор Росса Макуиртер ҳомийлигида биринчи марта Лондонда чоп этилди. Шундан бери (43 йил мобайнида) мазкур китоб 262 марта чоп этилди, 32 тилга таржима қилинди. Чунки бу китобнинг ўқувчилари йил сайин кўпайиб бормоқда. Бунга сабаб ўзингиз билганингиздек кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ажойиб-ғаройиб рекордлар ҳақидаги хабарлардир. Масалан, ўтган йили чоп этилган нашрга қуйидаги сингари рекордлар ҳам киритилган: 1996 йили АҚШда бирваракайга 1420 нафар эркак ва аёл бир вақтда ўпишиб рекорд ўрнатишган. Ёки қўл бериб сўрашиш бўйича аввалги рекорд швед Свен Ларсенга тааллуқли эди. Бироқ энди бу рекордни ҳиндистонлик Йогеш Шарма янгилади. Свен 10 соат давомида 11220 киши билан сўрашиб, охири силласи қуриб ҳушидан кетган бўлса, Шарма 8 соатда 31118 нафар одам билан қўл бериб, қўл олишган, бироқ ўзини йўқотмаган.

Қароргоҳни «забт» этганлар

Буюк Британия қироллигининг Лондондаги қароргоҳи — Букингем саройи ҳақида эшитмаганлар камдан-кам топилса керак. Мазкур саройга фақатгина маълум тоифа вакиллари киришига рухсат берилади. Шу боис, у жамоатчилик кўз ўнгида янада сирли кўринса ажаб эмас. Куни кеча сарой қўриқчилари қиролича Елизавета II қароргоҳи ичкарисида бемалол айланиб юрган йигитни ушлаб олишди. Жуда қаттиқ қўриқланадиган мазкур саройга унинг қандай йўллар билан киргани барчани ўйлантирмоқда.

Умуман, бундай воқеа Букингем саройи тарихида биринчи марта рўй бераётгани йўқ. Масалан, 1982 йили Майкл Фаган исмли киши қиролича Елизавета Iнинг ётоғигача кириб борганда ҳам ҳеч ким уни пайқамаган. Қироличанинг ўзи ҳам бу пайтда ширин уйқуда бўлган.

1991 йилда эса бундан ҳам қизиқ воқеа рўй берган. Америкалик Жим Миллер парашютдан сакраб, туғилганда қандай бўлган бўлса, айнан ўшандай қиёфада Букингем саройи томига қўнган.

Узун ва калта рекордчилар

Яқинда Хитойнинг Хэнан вилоятида бўйи 70 сантиметр, вазни тўққиз килограмм бўлган чақалоқ туғилгани ҳақидаги хабар катта шов-шувга айланган эди. Куни кеча колумбиялик 18 ёшли Брайан Наранхонинг вафоти ҳақидаги хабар ҳам шунчалик шов-шувга сабаб бўлди. Гап шундаки, уларнинг ҳар иккиси ҳам ўзининг «нодир» бўйи туфайли Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олди — бири узунлиги, бошқаси калталиги учун. «Лотин Америкасидаги энг жажжи одам» номини олган Б. Наранхонинг бўйи хитойлик чақалоқникидан атиги бир сантиметр узун эди.

Аломат дунёнинг аломат гаплари

Ғалати кўрқув

Германияда 20 дан 30 ёшгача бўлган эркаклар орасида антиқа сўров ўтказилди. Сиз кўпроқ нимадан қўрқасиз, деган саволга сўралганларнинг ярмидан кўпроғи тиш докторидан қўрқишини маълум қилган. Мазкур тадбирни ташкил қилган «Йойо» номли аёллар журналини эса кутилмаган бошқа натижа саросимага солди. Немис эркакларининг жуда озчилиги ўз севгилисини йўқотиб қўйишдан қўрқар экан.

КЎЗЛАРИМДАН СОЧИЛАР АЛАНГА

Шеър ва шуур

Шеъриятда муайян туроқларга, қатъий қофияларга, сўзнинг ташқи белгиларига асосланган ифода шаклидан бошқачароқ йўллар, услублар ҳам мавжуд. Шеърларни бандларга, тўртлик, бешлик... учлик, саккизликларга бўлиш ниҳоятда нисбийдир. Нисбийлик — қатъий эмас, ўзгарувчан. Ушбу ўзгарувчанлик сабаби сўзнинг ички ҳолатларидан, имкониятларидан келиб чиқади. Яъни сўз ва сўзда ифодаланаётган мазмун талабига кўра шеър шакли ўзгараверади. Бошқача айтганда, муайян мазмун — ижодкор кўнглида кечаётган ҳис-туйғулар изҳор этилмоқ учун ўз-ўзига сўздан шакл излайверади. Буни қай ҳолатда рўёбга чиқариш шоирнинг маҳоратига, сўзни тушунишига боғлиқ.

Истеъдодли шоир Турсун Али ана шу тарзда изланаётган шоирлардан бири. У қуйидаги шеърларини ўзининг изланишлари самараси сифатида тақдим этаётир.

Машҳур адиблардан бири айтганидай, шеърият мисли бир дарё, унга тушган ҳар ким ўзи билганича сузиб чиқади... акс ҳолда...

Изланаётган — бадиият қирғоқларига интилаётган шоирнинг эса мақсадга эришуви муқаррар.



1

* * *

Куз, сени севмайман,
балки, сени ёмон кўраман.
Энг хунук,
энг жирканч махлуқлар каби.
Зотан,
Кимгадир олтин кўринган
япроқларинг,
Юрагим майдонига қон бўлиб
тўкилар.
Кимсасиз, ҳувиллаб қолган боғларинг
кўзларим нурини чарчатар беҳад.
Сокин, тинган сувларинг
гарчанд зилол бўлса-да,
зериктирар руҳим қушларин.
Тафтсиз, нурсиз қуёшинг эса
толиқишни эслатар умрим отига.
Куз, сени севмайман,
балки,
сени ёмон кўраман,
энг хунук, энг жирканч
маҳлуқлар каби.

ШАБНАМ

Бағринг тошми,
ёҳуд бағринг қонми,
қайга кетдинг, оқибат?!

* * *

Кўнглим дунёсини кезар маломат,
атрофимда қора тўнли сукунат.
Оҳ, қайдасан шодлик?
Тўнғиб борар овозим.

* * *

Қайларга қочяпсан,
менинг ихтиёримдан чекинган
эй, яланғоч хаёл?!

* * *

Бунчалар маъсумсан, Шабнам,
ичай десам, шабнам эмассан.
Тутай десам, қўл етмас хаёлсан,
Шабнам.

* * *

Қаён кетяпсан, булутча,
Беҳудуд чексизлик ичра
Сингиб, ёмғир бўлиб кетмасанг бас.

* * *

Кўксимда қоронғи тун...
Кўксимда ўйнайди шамоллар.
Оҳ, кўксимда қўпган қиёмат.

2

РУҲИЯТ МАНЗАРАСИ

И. П. га

Букун юрагингни очдинг, севгилим,
Руҳим осмонидан қора булутлар тарқалди,
Кўнглимда музлар синди қарсиллаб.

* * *

Тун... Кўй жовдирама, қушча,
ана осмоннинг бир чети
оқариб келмоқда кўнглим каби.

* * *

Ёмғир. Лойларга ботдинг-ку, ҳой гул,
бас, шамол бўлиб мен булутларни
ҳайдарман,
ҳозироқ бошингда чарақлар офтоб.

* * *

Соянгдай ортингдан эргашдим,
бу нотинч дунё ичра
иккимиз бир лаҳза довдирадик.

* * *

Кўй, чирқирама, ярадор қушча,
Мен борман-ку бошингда,
Малҳам ҳам топарман амаллаб.

* * *

Ҳой, қора қўл,
қаршингдаги оппоқ гулни тортқилама кўп,
унинг тиканлари бор ўткир, заҳарли.

* * *

Рухсат эт, севгилим,
дарахтлари синиқ руҳинг боғларига
бир умр боғбон бўлиб қолай мен.

* * *

Ўша қора қўйлак кийган кундуз,
Сен ҳам жим,
Мен ҳам жим,
Сукунатнинг измида
видолашдик маъюсгина.

* * *

Менинг муштдек юрагимга сиғган
қушча,
қаёқларга кетдинг?!
Наҳот шу улкан,
шу бадбахт шаҳарга
сиғмаган бўлсанг?!

* * *

Олис, совуқ юртда,
қандай кечаётир ҳаётинг?
Наҳот,
қисмат шамоллари
бир умр учириб кетган бўлса?

* * *

Бу тун
кўксимга санчдинг пичоқ,
Эй, олисдаги яқиним.

* * *

Юлдузсиз кечада,
суратингга боқаман узоқ.
Анордай эзилиб юрагим,
тун бағрига
юлдуз бўлиб сочилар соғинчларим.

* * *

Хотиротим кўзлари ичра,
Олов сочларингни тараб сен,
Оҳудай жимгина тураверасан,
Эй, менинг олисда яшаётган қайғум.

* * *

Қисматнинг тошлоқ йўллари сени
олиб кетди қўлим етмас ёқларга.
Не қилай?
Ҳар толаси телба айлаган,
кўнглим каби тўзғин
сочларингдан тутиб қололмаган бўлсам.

Турсун АЛИ.

3

Разрабатываем, производим и реализуем:

— **оборудование** для получения сухих растворимых напитков при глубокой переработке фруктов, овощей, трав, кореньев, ягод;

— **минизавод** для сушки сырья растительного происхождения;

— **оборудование** для расфасовки порошков, сухофруктов, сущеных овощей, ягод, арахиса и др.

Справки по тел: (3712) 56-54-32 8 00 до 9 00 и с 20 00 до 22 00; 68-34-62 с 9 00 до 13 00.

Бухоронинг 2500 йиллиги олдидан

СИТОРАИ МОҲИ ХОССА

У ШАРИФ ШАҲАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ МЎЪЖИЗАСИ

Бухоро заминига қадам қўйган ҳар бир сайёҳ асрлар оша ўз қаддини тиклаб турган ҳамда узоқ мозийдан сўзловчи обидалар олдида ҳайрону лол қолади. Чунки, ундаги ҳар бир ғишт, безак, нақш, битик Бухоронинг ўтмиши, улуғ алломалари қисматини, музейлари эса афсоналарга монанд тарихий зарварақларини ифодалайди.

Обидалар ичида энг гўзали — Ситораи Моҳи Хоссадир. Уни ойга монанд юлдузлар қасри ҳам дейишади. Бундай аталиши ҳам бежизмас.

Амир Насруллахон Бухоро ташқарисида ўзига сарой ҳамда боғ қурдирмоқчи бўлиб, ҳузурига барча доншмандларни йиғибди.

Давра охирида турган бир қария ботинибгина сўз олиб, амирга, уч кун муҳлат берсангиз саройга мос жойни топиб берардим, бунинг учун тўртта қўй керак бўлади дебди. Ҳамма ҳайрон; нега қария Насруллахондан қўй сўраяпти?

Орадан уч кун ўтгач, қурилажак сарой жойи топилибди. Маълум бўлишича, қария амирдан олган қўйларни сўйиб, ҳар бирини бутунлигича Бухоронинг шимол, жануб, ғарб, шарқ дарвозаларига илиб қўйган ҳамда кутган. Охирги кун текшириб кўрса, фақат Самарқанд дарвозаси тепасига осилган гўшт айнимабди. Бу донишманд чол маслаҳати билан сарой шаҳарга тоза ҳаво кирадиган ерда — Самарқанд дарвозаси томонида қурилибди.

Ривоят қилинишича, сарой ва боғ қурилиши Насруллахон даврида поёнига етмаган. Амир Насруллахон вафотидан сўнг тахтига унинг ўғли Музаффархон ўтиради. Амир Музаффархоннинг рафиқаси малика Ситорабону ўғил кўргач, бевақт вафот этади. Суюкли рафиқасидан айрилган амир унинг номини абадийлаштириш учун отаси барпо этган саройни Ситораи Моҳи Хосса деб аталишини амр этади.

Саройга қадам ранжида қилган ҳар бир сайёҳ амирнинг муҳташам қабулхонаси, Оқ уй, кумуш зали, ётоқхонани кўздан кечирса, худди жаннатга киргандек сезади ўзини. Турли нақшларга олтин суви қўшиб тайёрланган бўёқлар билан жило берилган. Зиёфатлар зали, шахмат хоналари қимматбаҳо жиҳозларга бой, ёрқин безатилган. Ситораи Моҳи Хосса боғининг олд қисмидаги саккиз хонали кўшк миллий услубда безатилган, бунда тилла ва кумуш суви югуртириб ишланган нақшлар кишига завқ бағишлайди. Ситораи Моҳи Хосса бугун чинакам халқ амалий санъати музейига айланган.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КЎНГИЛ САОДАТИ



Бир асарда айтилганидек, кимдир сокин, жим яшайди. Яшаб ўтганини ҳам билмай қоласан. Бундай умр чўзилиб кетгандек туюлади. Кимлардир дарёдек жўшиб, ҳайқириб, гўёки «шовқин» солиб яшайдики, уларнинг борлиги, талант ва меҳнати, фидойилиги ва жонкуярлиги барчага аён бўлади. Бутун кишилар шуларга талпинади, уларнинг руҳидан озгина бўлса-да қувватланишга интилади. Бундай кишилар ён-атрофдагиларга гўёки ҳаётий куч улашиб яшайдилар.

Эрта-индин олтмиш ёшлик тўйи нишонланадиган Муртазо Султонович Султонов ҳам умри дарё одамлар сирасига киради. У ўз меҳнати билан юртимизнинг мустақил ва озод, обод ва кўркам бўлишига бир инсон қўшиши мумкин бўлганчалик ҳисса қўшиб келмоқда. Муртазо Султоновични таниган, билган кишилар, қараб туриб, унинг олтмиш ёшга тўлганига ишонмасликлари табиий. Чунки у ҳамон ёшлигидагидек куч-ғайрат билан меҳнат қилмоқда.

Олтмиш ёш шундай бир ўрта ёшки, у босиб ўтилган ортдаги йўлга бир қур назар ташлаб, мулоҳаза қилиб олиш имконини беради. Муртазо Султонов 1937 йилда Тошкент шаҳрида ҳунарманд оиласида туғилди. Тошкентдаги 41-ўрта мактабни тугатиб, 1956 йилда Тошкент Темир йўли транспорти инженерлари институтининг «Саноат ва фуқаролик қурилиши» факультетига ўқишга кириб, 1961 йил институтни бинокор-инженер мутахассислиги билан тугатди.

Муртазо Султонов ҳақида, нимага эришган бўлса, ўз кучи, ўз меҳнати, тиришқоқлиги билан эришган, дейишади. Урганчдаги 167-трестда ўз меҳнат фаолиятини бошлаган М. Султонов жуда бой ва ибратомуз ҳаёт йўлини босиб ўтди. Оддий қурилиш устаси, инженерликдан катта ва кенг миқёсдаги қурилиш ишларига раҳбарлик лавозимларигача кўтарилди. Қурилиш амалиёти билан боғлиқ ишларда уста ва моҳир бинокор эканлигини кўрсатди. Ўша пайтдаёқ унинг кенг кўламдаги ишларни бажара олиш лаёқати намоён бўлган эди. 1990 йилдан бошлаб эса, Ўзбекистон Халқ таълими вазирининг ўринбосари лавозимида меҳнат қилмоқда. Мустақиллик халқ таълими тизими олдига ҳам долзарб вазифаларни кўндаланг қўяди. М. Султонов мактаб ислоҳотини амалга оширишда, ёшларни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш мустақиллигимизнинг муносиб ворислари бўлиб етишишлари учун баҳолиқудрат ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Муртазо Султонов умрининг катта қисмини ёшлар масаласига бағишлагани, ёшлар қувонч ва ташвиши билан яшагани учунми, ёшлар ҳақида кўпроқ гапиради. «Мустақиллик — ватанимизнинг ёшлиги, унинг пойдевори жуда қадимдан мавжуд эди-ю, бу пойдеворни бугунги ўрта авлод мустаҳкамлади. Мустақиллигимиз келажагини асосан ёшлар таъминлайдилар», — дейди у.

Муртазо Султоновни таниганлар уни олим ва журналист сифатида ҳам билишади. У 1968 йил меҳнатдан узилмаган ҳолда Тошкент халқ хўжалиги институти аспирантурасининг сиртқи бўлимига қабул қилинади. 1971 йилда номзодлик диссертациясини ёқлаб, иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди. Унинг 60 босма табоқдан ортиқ асарлари босилиб чиққан.

М. Султонов бир журналистчалик қаламкаш ҳамдир. У қатор йиллардан буён матбуот саҳифаларида ўз мақолалари билан фаол қатнашиб келади. Унинг турли мавзулардаги қизиқарли мақолаларини ўқиган ўқувчилар ҳали ҳам у мақолаларнинг таассуротларини унутганлари йўқ.

Дунёнинг шиддатини қарангки, кечагина қирққа кирганлар бугун элликка, кечагина элликда бўлганлар бугун олтмишга кириб турибди. Шоир айтганидек, югурик даврондир асли бу даврон. Лекин инсон ҳамиша олдинга интилиб, олдинга ҳаракат қилиб яшайди. Ҳамиша қилажак ишлари қилиб улгурган ишларидан кўпроқ бўлади ва шу қилажак ишлари билан яшайди. Шу йўлда ҳориб-чарчашдан роҳат, роҳатдан эса толе топади. Биз Муртазо Султонович Султоновга мана шу йўлда топаётган саодати ҳамишалик бўлиб қолишини тилаймиз.

Салим АШУРОВ.

"КАФОЛАТ ИНВЕСТ" % БОШҚАРУВЧИ КОМПАНИЯСИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДИ

DAROMAD Plus

бир дона акция нархи 100 СЎМ

ҳар бир акция 60 СЎМ актив билан таъминланган

ШОШИЛИНГ: ХИФ "Даромад Плюс" акциялари ХАЛҚ БАНКИ ва Турон Банкининг ҳамма шохобчаларида сотилмоқда. Бизнинг манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Правда Востока кўчаси, 8 уй, "Биржа Маркази",18 хона.

тел.320746.ички.300.

ХИФ "Даромад Плюс" акциялари фойдали ва ишончлидир.

07.01.97. вил 460-сон ш. лицензия.

ФОЙДАЛИ СЕМИНАР

Яқинда Тошкентда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари марказий қўмитаси томонидан уюштирилган олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар, ходимлар ҳамда талабалар касаба уюшмалари қўмиталари раисларининг республика ўқув-методик семинари ўтказилди. Мазкур семинарда вилоятлардаги олий ўқув юртларидан ҳам вакиллар иштирок этди.

Семинар ишида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси раиси Х. Жамолов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Мунира АЗИМОВА.

Эҳтиром

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ВАЗИРЛИГИ

РЕСПУБЛИКА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1997 — 1998 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

НОГИРОН ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БЎЙИЧА ХОДИМЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ:

1. Ҳар хил турдаги кийимларни тикувчи усталар. Ўқиш муддати — 2-3 йил.
2. Маиший уй-рўзғор электр асбобларини таъмирловчи усталар. Ўқиш муддати — 1 йил.
3. Соатларни таъмирловчи усталар. Ўқиш муддати — 1 йил.
4. Оёқ кийимларни тикувчи ва таъмирловчи усталар. Ўқиш муддати — 1 йил.
5. Тикув машиналарини таъмирловчи усталар. Ўқиш муддати — 1 йил.
6. Давлат, кичик корхона ва тижорат тизимида ишловчи ҳисобчилар. Ўқиш муддати — 1 йил.
7. Компьютерда ишловчи мутахассислар. Ўқиш муддати — 1 йил.
8. Сартарошлар. Ўқиш муддати — 1 йил (шартнома асосида).
9. Радиоаппаратураларни таъмирловчи усталар. Ўқиш муддати — 2-3 йил.
10. Кўзи ожизлар. Ўқиш муддати — 1 йил.

Ўқиш муддати 1-2 бўлган гуруҳларга 11-синфни, ўқиш муддати 3 йиллик гуруҳларга 9-синфни битирганлар қабул қилинади.

Билим юртини тугатгандан сунг олган ихтисослари бўйича диплом оладилар. Ўқишга қабул қилинганлар стипендия билан таъминланади. Ишлаб чиқариш амалиёти даврида ўқувчиларга иш ҳақининг 50 фоизи тўланади. Билим юрти ётоқхона ва спорт комплексига эга.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

1. Директор номига ариза.
2. Маълумоти ҳақидаги гувоҳноманинг асл нусхаси.
3. Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг асл нусхаси.
4. 086 шаклдаги тиббиёт маълумотномаси.
5. Ота-онасининг иш жойидан маълумотнома.
6. Турар жойдан маълумотнома.
7. Ижтимоий таъминот бўлимидан йўлланма.
8. Ногирон болалар учун тиббий меҳнат экспертиза комиссиясининг тавсияномаси (ТМЭК)
9. 4 та 3х4 ҳажмдаги фотосурат.
10. Папка ва бир дона конверт.

Бизнинг манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси, 4-уй.

Маълумот учун телефонлар: 78-78-80, 78-82-72.

Транспорт: 4, 9-трамвайлар ва 2, 33, 13, 77-автобусларнинг «Кўрлар комбинати» бекати.

Ҳужжатлар 15 майдан бошлаб ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси жамоаси Жиноятларни тергов қилиш бошқармасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси С. Амманниязовга отаси **Нурмат АММАННИЯЗОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Андижон вилояти Асака туманидаги «Ниёзботир» паррандачилик ҳиссадорлик жамияти жамоаси шу жамият раиси Ҳошим Тешабоевга ўғли **Ойбек ТЕШАБОЕВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

O'ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 6-may, seshanba № 53 (22.137).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), **Салим АШУРОВ** (бош муҳаррир ўринбосари), **Виктор ЗВЕРЕВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), **Алимқул СУЛТОНОВ** (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Қаттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Қ. ЭШМАТОВ, навбатчи Н. ШОНИЁЗОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0282

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА